# Qishloq hayoti

Қишлоқ ҳаёти

2012 йил Мустаҳкам оила йили

O‘zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi www.qishloqhayoti.uz

2012-YIL 23-NOYABR, JUMA, 138 (8063)-son

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

Bahosi kelishilgan narxda.




Қорақалпоғистон насос станциялари, энергетика ва алоқа бошқармасида электр энергиясидан ва ёнилғи маҳсулотларидан тежамли фойдаланиш мақсадида чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Барча насос станцияларида электр энергияни ҳисоблашни назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизим ўрнатилди.



Косон тумани марказида бунёд этилган 150 ўринли муҳташам мусиқа ва санъат мактаби санъатга ихлосманд ёшларга катта имкониятлар эшигини очди. Ҳозирда ушбу масканда ёшлар миллий чолғу асбоблари, фортепьяно, хореография, ранг-тасвир ва рассомчилик, амалий санъат, анъанавий ижро ва эстрада қўшиқчилиги сингари санъатнинг турли йўналишларида таълим олишмоқда.



Бухоро нефтни қайта ишлаш заводида очиқ оловдан, ёнувчан печлар, реакторлар, иссиқлик алмашув сиғимлари, кимёвий реакциялардан фойдаланилгани боис, ёнғин хавфсизлигини таъминлаш устувор вазифалардан бири сифатида қаралади.

САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА

## Куннинг муҳим воқеалари

▶ Самарқанд шаҳрида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси томонидан "Мамлакатда чорвачилик ривожланишини жадаллаштириш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси муҳокамасига бағишланган давра суҳбати ўтказилди.

▶ **"Шўртаннефтгаз" унитар шўъба корхонасида пропан-бутан аралашмасини олиш қурилмасининг бешинчи навбати лойиҳасини амалга ошириш ишлари ниҳоясига етказилди. У йилига уч миллиард куб метр табиий газни қайта ишлаш ва ундан 50 минг тонна суюлтирилган газ ишлаб чиқариш кувватига эга.**

▶ Чимбой тумани марказида янги оилавий поликлиника фаолият бошлади. Бу ерда кунига 150 нафар беморни қабул қилиш ва уларга сифатли тиббий хизмат кўрсатиш имконияти яратилди. Оилавий поликлиникада 19 нафар малакали шифокор ва 30 нафардан ортиқ тажрибали ҳамширалар аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатмоқда.

▶ **Самарқанд шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки вилоят бўлимининг янги биноси фойдаланишга топширилди. Унда банк операцияларини қисқа муддатда бажариш, мижозларга сифатли хизмат кўрсатиш учун барча кулайликлар мавжуд. Бу ерда етмишга яқин янги иш ўринлари очилди.**

Фарғона вилояти



## ОНА ВА БОЛА САЛОМАТЛИГИ МУҲОФАЗАДА

Фарғона вилояти перинатал маркази ҳар томонлама соғлом авлод туғилиши ва вояга етишига салмоқли ҳисса қўшаётган тиббиёт муассасаларидан биридир.

Замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминланган 215 ўринли марказда туғурук, гинекологик ташхис, аҳолига тезкор ёрдам кўрсатиш ишлари самарали йўлга қўйилган. Марказнинг тажрибали шифокорлари шаҳар ва туманлардаги аёллар репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш ҳамда оналар ва болалар соғлигини оширишда амалий ва методик ёрдам кўрсатиш табдирларида фаол иштирок этиб келмоқда.

**СУРАТДА:** *марказнинг бош дояси Солия Каримова она ва бола саломатлигига катта эътибор беради.*

**Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА) олган сурат.**

## ТАРАҚҚИЁТ ИСТИҚБОЛИ САРИ

**Президентимизнинг 2012 йил 22 октябрдаги "Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонига биноан Ўзбекистон Фермерлари кенгаши ташкил этилди. Айни пайтда ҳудудларда Фермерлар кенгашининг ташкилий конференциялари бўлиб ўтмоқда. Бу ҳақда мухбирларимиз хабар қилади.**

**ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ** Фермерлар кенгашининг ташкилий конференцияси бўлиб ўтди.

Айни пайтда вилоятда 4 минг 800 та фермер хўжалиги фаолият юритмоқда. Улар жорий йилда боғдорчилик ва чорвачиликдан ташқари, 180 минг гектар майдонда ғалла, 101,8 минг гектар ерда пахта етиштириб, давлатга 483 минг тонна дон, 230 минг тонна пахта, 624,7 тонна пилла сотдилар.

Конференция иштирокчилари эришилаётган ютуқлар замирида қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар, фермерларнинг меҳнат шароитини, ерларининг мелиоратив ҳолатини, уруғчилик ва селекция ишларини яхшилаш борасидаги доимий эътибор ва ғамхўрликлар мужассамлигини таъкидлашди.

– Мана, Юртбошимизнинг Фармони билан яна бир ғамхўрликдан баҳраманд бўлиб турибмиз, – дейди Жиззах туманидаги «Қуёшсевар Парда» фермер хўжалиги раҳбари, Ўзбекистон Қаҳрамони Парда Зиётов. – Бу бебаҳо ҳужжат асосида фермерларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимояси кучайтирилгани, бу борада янгидан тузилаётган Фермерлар кенгашига катта ваколатлар берилиши барчамизнинг дилимизни шодликка тўлдириб, янги меҳнат ғайратлари сари илҳомлантирмоқда.

– Президентимизнинг ушбу Фармони билан фермер хўжаликларининг молиявий-иқтисодий мустақиллиги янада мустаҳкамланиши кафолатланганидан, янги техника ва технологиялардан фойдаланиш имкониятлари ошганидан беҳад қувондик, – дейди Дўстлик туманидаги «Эшниёз бобо» фермер хўжалиги раҳбари, «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган пахтакор» Муртозақул Бўтаев. – Эндиликда солиқ ва хўжалик юритиш соҳасидаги имтиёзларимиз такомиллашиб, янги имкониятларга эга бўлдик. Меҳнатдан манфаатдорлигимиз бундан-да ошадиган, фермерлар янада бойийдиган бўлмоқда. Фермернинг бойигани эса элнинг бойиганидир.

Вилоят Фермерлар кенгашининг ташкилий конференциясида кенгаш аъзолари ҳамда унинг устави тасдиқланди. Пахтакор туманидаги «Анвар-А» фермер хўжалиги раҳбари, «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими» Анорбой Эшматов Жиззах вилояти Фермерлар кенгашининг раиси этиб сайланди.

Тадбирда вилоят ҳокими С.Исмоилов сўзга чиқди.

**Келдиёр ЖЎРАҚУЛОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.**

* * *

**НАМАНГАН ВИЛОЯТИ** Фермерлар кенгашининг ташкилий конференцияси бўлиб ўтди.

Унда таъкидланганидек, мамлакатимизда фермерлик ҳаракатини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга берилаётган имтиёз ва кулайликлар, банк кредитлари, лизинг хизматлари фермер хўжаликларининг иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамлашда муҳим омил бўлаётир. Жорий йилда вилоятдаги фермер хўжаликларига 234,4 миллиард сўмдан зиёд кредит ажратилди, ирригация тармоқларини созлаш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш мақсадларига 28,1 миллиард сўм маблағ йўналтирилди. Бугунги кунда вилоятда 4 минг 500 дан зиёд фермер хўжалиги фаолият юритмоқда.

**(Давоми 2-саҳифада)**

## ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙЎЛИДА

**Тошкент давлат юридик институтида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳамда қатор давлат ва нодавлат ташкилотлар ҳамкорлигида "Юксак ҳуқуқий маданият-фуқаролик жамиятининг асоси" мавзуида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.**

Тадбирда сўз олганлар юртимизда ўтган йигирма бир йил давомида ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган очиқ демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш мақсадида кенг кўламли ислоҳотлар олиб борилганини эътироф этишди. Қонун устуворлиги ва қонунийликни таъминлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш, суд-ҳуқуқ тизимини демократлаштириш ҳамда либераллаштириш борасида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар эса мамлакатимизни демократик янгилашнинг бугунги босқичидаги энг муҳим йўналишларидан бири эканлиги таъкидланди.

Жамиятда ҳуқуқий онг ва маданият қанчалик юқори бўлса, одамларда қонунга ҳурмат шунча орта[illegible]. Бу борада мамлакатимизда [illegible] борилаётган ислоҳотларда [illegible]кистон Республикаси Олий Ма[illegible]сининг 1997 йил 29 августдаги "Жамиятда ҳуқуқий маданиятни [illegible]салтириш миллий дастури", Ўзбе[illegible]стон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори дастуриламал вазифасини бажармоқда.

— "Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури" ҳуқуқий таълим ва тарбия тизимини такомиллаштириш, мамлакат қонунлари ва унда ўрнатилган ҳуқуқий жараёнга нисбатан барча давлат органлари, мансабдор шахслар, тадбиркорлик субъектлари, жамоат бирлашмалари ва фуқароларнинг ижтимоий-ҳуқуқий саводхонлигини оширишга хизмат қилади, — дейди юридик фанлар доктори, профессор Хожимурод Одилқориев. — Бугунга қадар дастур юзасидан бир қатор тегишли ташкилотларнинг таклиф ва мулоҳазалари олинди. Шу билан бирга бу борадаги хорижий тажрибалар ўрганилди.

Анжуман давомида иштирокчилар сўнгги йилларда мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар, фуқаролик жамияти институтлари фаоллигини оширишга қаратилган кенг кўламли чора-тадбирлар асосида лойиҳани янада такомиллаштириш борасидаги таклифларини билдирди. Муҳокамалар юзасидан тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Гулноза ТУРҒУНБОЕВА, "Qishloq hayoti" мухбири.**

Қашқадарё Вилояти

ИМТИЁЗ ВА САМАРА

## ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИК – ИМКОНИЯТЛАРНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРДИ

**Мамлакатимизда оиланинг жамият тараққиётидаги аҳамиятини ошириш, иқтисодий манфаатдорлигини таъминлаш учун янада қулай шарт-шароит яратиш, бандликни таъминлаш орқали даромадларни кўпайтириш, уй меҳнати ва турмуш шароитларини яхшилаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бу эътибор ва ғамхўрлик Мустаҳкам оила йилида янада кенг моҳият ва мазмун касб этди.**

"Мустаҳкам оила йили" Давлат дастури асосида оилалар, айниқса, ёш оилаларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилишга доир аниқ мақсадга йўналтирилган кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

— Юртимизда оилавий тадбиркорликка алоҳида эътибор қаратилмоқда, — дейди Китоб туманидаги "Нурафшон зарвонтепа" оилавий корхонаси бошлиғи Л.Ражабов. — Хусусан, 30 ёшгача бўлган ёш оилаларга берилган имкониятлар бизни мамнун этади. Чунки ёш оилалар истеъмол кредитларига йўналтирилган даромадлардан олинадиган солиқдан озод қилинган. Оила аъзолари учун уч йилдан кўп бўлмаган муддатда мол-мулк ва ер солиқлари ставкалари икки баробарга пасайтирилган.

Оилавий тадбиркорликнинг Қонун билан мустаҳкамланиши айни муддао бўлди. Жорий йилнинг 26 апрелида қабул қилинган "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни бу борада қатор қулайлик ва имтиёзлар яратди. Қишлоқ жойларда иш ўринларини ташкил қилишни рағбатлантириш мақсадида ҳудудда яшаётган ва маиший хизматлар (сартарошлик, тикувчилик, пойабзал, маиший ва ташкилий-техника ва бошқаларни тузатиш устаси) кўрсатиш билан шуғулланаётган якка тартибдаги тадбиркорлар уч йил муддатга қатъий солиқ тўлашдан озод этилади.

Бу борада якка тартибдаги уй-жой қурилишига ажратилган мавзеларда қандай шароитлар яратилган, деган савол туғилади. Бундай мавзеларда автомат кир ювиш машиналари билан жиҳозланган жамоат корхоналари фаолиятини ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар комплекси кирхона хизматларини кўрсатувчи корхоналарни 5 йил муддатда барча турдаги солиқлардан озод этиш тадбирлари белгиланган.

Оилавий корхона ишчилари ва унинг ёлланма ходимларининг умумий сони кичик тадбиркорлик субъектлари қонун ҳужжатларида белгиланган ўртача йиллик сонидан кўп бўлмаслиги ва иштирокчиларнинг энг кам сони икки кишидан кам бўлмаслиги белгиланган. Оилавий корхонага меҳнат қобилияти ёшига тўлган барча қариндошлар — ака-ука, опа-сингил, тоға ва амаки, амма, холалар аъзо бўлиши мумкинлиги кўрсатилган. Бу тадбиркорлар учун жуда катта қулайлик. Демак, тадбиркор ўз имкониятларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқаришни истаганча кенгайтира олади.

*Ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир.*

**(Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 37-модда)**






— Айрим хонадонларда тадбиркорликнинг у ёки бу турлари бўйича иш ташкил этилиб, маблағларининг етишмай қолиши ёки қандайдир иккиланиш ҳолатлари боис бошлаган ишини тўхтатиб қўйиш ҳоллари ҳам содир бўлади, — дейди Қарши шаҳридаги "Сут-қаймоқ ихлос барака" оилавий корхонаси бошлиғи Акмал Муҳиддинов. — Бунга сабаб уларнинг ушбу қонун билан яқиндан танишмаганлигидир. Қонунда эса уларга давлат томонидан маълум даражада кредитлар ажратилиши, келгусида нафақа олишлари учун меҳнат дафтарчалари юритилиши акс эттирилган.

**(Давоми 2-саҳифада)**

# ЭЛ ДАСТУРХОНИ ҚИШДА ҲАМ ТЎКИН

МАМЛАКАТИМИЗДА ҚИШ-БАҲОР МАВСУМИ УЧУН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ЖАМҒАРИШ, АЁЗЛИ КУНЛАРДА УЛАРНИНГ НАРХЛАРИ АСОССИЗ ОШИБ КЕТИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙМАСЛИК БОРАСИДА КОМПЛЕКС ЧОРА-ТАДБИРЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА. ШУ КУНЛАРДА КАРТОШКА, ПИЁЗ, САБЗИ, ОЛМА, НОК, УЗУМ ВА ГУРУЧ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ҒАМЛАШ ИШЛАРИ ЯКУНЛАНМОҚДА.

**Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигидан маълум қилишларича, 2012-2013 йилги қиш-баҳор мавсумида юртимиз аҳолисини қишлоқ хўжалиги, хусусан, мева-сабзавот маҳсулотлари билан узлуксиз ва ишончли таъминлаш, бозорларимизда нарх-наво барқарорлигини сақлаш мақсадида 555 минг тонна қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари жамғариш чоралари кўрилган. Бу жараёнда кўплаб савдо ва хизмат кўрсатиш корхоналари қаторида "Ўзулгуржисавдоинвест" уюшмаси ҳам фаол иштирок этмоқда.**

— Қиш ва баҳор мавсумида халқимиз дастурхонига сифатли мева-сабзавотларни етказиш, ички истеъмол бозорини тўлдириш учун барча чора-тадбирлар кўрилмоқда, — дейди "Ўзулгуржисавдоинвест" уюшмаси раиси Зафар Файзиев. — Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини деҳқонлардан харид қилиш билан бирга, айримларини етиштиришни ҳам йўлга қўйдик. Жорий йилда тизимдаги савдо корхоналари қарийб 5 минг гектарда шоли, бошоқли дон ҳосилидан бўшаган ерларда мойли экинлар етиштириш борасидаги саъй-ҳаракатлар самарасида Тошкент, Қашқадарё ва Андижон вилоятларида 2,5 минг гектар ерга мойли экинлар экилди. Мева етиштиришни кўпайтириш мақсадида Тошкент, Наманган, Сурхондарё, Қашқадарё ва Самарқанд вилоятида 250 гектар ер майдонида интенсив боғ барпо этилди. Шунингдек, 106,5 минг бош парранда, 2,5 минг бош қорамол, 5 минг бош қўй парваришлаш йўлга қўйилди. Сув ҳавзалари ташкил этилиб, балиқ етиштирилмоқда.

Уюшма тасарруфидаги 71 ҳудудий савдо базаларида ҳозирга қадар белгиланган миқдорнинг 80 фоизидан кўпроғи жамғарилди. 95 минг тонна пиёз, 95 минг тоннага яқин картошка, 25 минг тонна гуруч, 34 минг тонна полиз экинлари, 62 минг тонна мева ва бошқа маҳсулотлар шулар сирасидандир.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг етарли захирасини яратишда Республика озиқ-овқат моллари ихтисослаштирилган улгуржи база контораси, "Марказ савдо инвест", "Тайёрлов савдо", "Риштон савдоинвест", "Хоразимулгуржисавдоинвест", "Китоб озиқ-овқат савдо" маъсулияти чекланган жамиятлари, "Сурхондарё озиқ-овқат моллари" очиқ акциядорлик жамияти жамоалари фаол иштирок этмоқда. Хусусан, Бўстонлиқ туманидаги "Чирчиқ гўшт-сут савдо" масъулияти чекланган жамиятида ҳам 200 тонна картошка, 350 тонна пиёз, 110 тонна гуруч, 100 тонна мева, 100 тонна дуккакли дон, 100 тонна сабзи, 18 тонна гўшт ва турли хилдаги консерва маҳсулотлари тегишли тартибда жиҳозланган омборларга сақлаш учун жойлаштирилди.

— Корхонамиздаги илиқ ва совитиладиган омборхоналар, совитиш ва музлатиш камералари маҳсулотларни янги ҳосил пишиб етилгунча бемалол сақлаш имконини беради, — дейди "Чирчиқ гўшт-сут савдо" корхонаси раҳбари Нурулло Каримов. — Музлатиш камераларида тухум, гўшт ва сут маҳсулотларини узоқ вақт сақлаш мумкин. Оддий омборда эса алоҳида ҳароратни талаб қилмайдиган маҳсулотлар — дуккакли дон, макарон, чой, шакар, қандолат ва бошқа маҳсулотлар сақланади. Жамланган маҳсулотлар сифати ва омборлардаги ҳарорат мунтазам равишда компрессор цехи орқали назорат қилинади.

Айни пайтда "Ўзулгуржисавдоинвест" захира маҳсулотлари жойлаштириладиган ўндан ортиқ омбор белгиланган тартибда жиҳозланди.



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 7 апрелда қабул қилинган "2011-2015 йиллар даврида мева-сабзавот маҳсулотларини сақлашнинг моддий-техника базасини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори омборларда реконструкция ва модернизация ишларини бажариш, замонавий совитиш ускуналарини ўрнатишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мева ва сабзавот маҳсулотларини сақлашни янада ривожлантириш ва унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида 63 минг тонна янги сиғимлар қурилиб, 31 минг тонна сиғимлар модернизация қилинди. Натижада мамлакатимизда захира маҳсулотларини сақлашга ихтисослашган сиғимлар ҳажми 572 минг тоннага, совуткичли сиғимлар 215 минг тоннага етказилди.

Тизимидаги улгуржи савдо базалари томонидан жорий йилда Қорақалпоғистон Республикасида 1,3 минг тонна, Андижонда 2,7 минг тонна, Бухорода 300 тонна, Қашқадарёда 3 минг тонна, Фарғонада 500 тонна, Хоразм вилоятида минг тонна сиғимга эга совиткичли сиғимларни реконструкция ва модернизация қилиш юмушлари олиб борилаётир. Ҳозирда 5,5 минг тонналик замонавий, жаҳон андозаларига мос совиткичли омборлар қурилиб, ишга туширилди. Йил охирига қадар яна 3,5 минг тонналик сиғимларни ишга тушириш мўлжалланмоқда. Бу эса қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини янги ҳосил пишиб етилгунга қадар сифатли сақлаш имконини беради.

Эътиборлиси, уюшма тизимида ҳозиргача хориждан олиб келинган сендвич-панелларни ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилди. Бу эса маблағни тежаш билан бирга, омборхоналар сонининг ортишига ва маҳсулотларни сифатли сақлаш имконияти кенгайишига хизмат қилади. Шунингдек, корхоналар ички имкониятлардан унумли фойдаланган ҳолда анъаналар асосида совитиш омборлари қуришга ҳам эътибор қаратмоқда.

— Жорий йилда анъанавий услубда маҳаллий шароитдаги совитиш омборини қурдик. Баландлиги 7 метрли пахса девордан қурилган минг тонналик сиғимга эга омборимизни усти қамиш билан ёпилиб, лўмбоз қилинди, — дейди "Ўзулгуржисавдоинвест" уюшмаси тизимидаги "Барака Тўрткўл" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Каримберган Бўзов. — Ўзимизда мавжуд тол ёғочларидан баланд панжара қилиб, 40 минг дона, оғирлиги олти ва етти килограмм келадиган қовунларни илиб қўйдик. Ҳаво алмашишини таъминлаш учун ҳар икки метрда девор орасидан қувур чиқардик. Ичкарида мўътадил ҳарорат сақланмоқда.

Янги совиткичли сиғимлар қуриш ва мавжудларини модернизация қилиш ҳамда асосий турдаги мева-сабзавот маҳсулотларини захирага жамғариш бўйича амалга оширилаётган юмушлар самарасида жорий йилнинг ўтган даврида улгуржи савдо базаларининг умумий товар айланмаси 580 миллиард сўмни ташкил этди. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 14,7 фоиз кўп демакдир.

Уюшма тизимидаги 2677 фирма дўкони томонидан истеъмолчиларга озиқ-овқат ҳамда ноозиқ-овқат маҳсулотларини қулай шароит ва арзон нархларда марказлаштирилган тарзда етказиб берилаётир. Жорий йилнинг ўтган даврида аҳолига 481,3 миллиард сўмлик савдо хизмати кўрсатилди. Шундан 121,4 миллиард сўмлиги олис қишлоқлар ва бориш қийин бўлган тоғли ҳудудларда яшайдиган аҳолига етказиб берилди.

Жорий йил охирига қадар захира омборларига тўлиқ жамғарилган картошка, пиёз, мева ва полиз маҳсулотлари, гуруч, сабзи, карам каби маҳсулотлар 2013 йилнинг май ойига қадар график асосида ички бозорда арзон нархларда сотилади.

**Сайёра ҚУРБОНОВА**

# ТАРАҚҚИЁТ ИСТИҚБОЛИ САРИ

(Боши 1-саҳифада)

Фермерларнинг саъй-ҳаракатлари билан пахта, ғалла, боғдорчилик, сабзавотчилик, чорвачилик соҳаларида самарадорлик ва ўсиш суръатлари яққол кўзга ташланаётир. Жумладан, 2003 йилга нисбатан ҳосилдорлик ғаллачиликда 3,2, пахтачиликда 9,8 центнерга ошган.

– Мамлакатимиз аграр тармоғида изчил амалга оширилаётган ислоҳотлар фермерлик ҳаракатининг жадал ривожига кенг йўл очмоқда. Биз, фермерларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, қўшимча имтиёз ва имкониятлар берилаётгани, боис, ишимизга барака киряпти, – дейди Чортоқ туманидаги "Чортоқ ипаги" фермер хўжалиги раҳбари Воҳиджон Саматов. – Президентимизнинг Фармони билан ташкил этилаётган Фермерлар кенгашлари фаолиятимизни янги босқичга олиб чиқади.

Вилоят Фермерлар кенгашининг ташкилий конференциясида кенгаш аъзолари сайланди ва устави тасдиқланди. Наманган вилояти Фермерлар кенгаши раиси этиб Наманган туманидаги "Барака" фермер хўжалиги раҳбари Олимжон Исаев сайланди.

Конференцияда Наманган вилояти ҳокими Б.Юсупов сўзга чиқди.

**Маъмур МУСУЛМОНОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.**

* * *

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ** ҳокимлигида вилоят Фермерлар кенгашининг ташкилий конференцияси бўлиб ўтди.

Тадбирда таъкидландики, мустақиллик йилларида фермерлик ҳаракати қишлоқда ҳақиқий мулкдорлар синфини шакллантириш, аҳоли турмуш даражасини ва сифатини оширишда масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир янги қудратли ижтимоий-сиёсий куч сифатида намоён бўлмоқда. Янги ташкил этилаётган Фермерлар кенгаши фермерлар фаолиятини кенгайтириш, уларни илмий асосда олиб бориш, деҳқончилик маданиятини янада ошириш имконини беради.

— Биз фермерларга кўрсатилаётган эътибор, яратиб берилаётган шароитлардан ниҳоятда мамнунман, — дейди Чиноз туманидаги "Яллама" фермер хўжалиги раҳбари Усмонали Умаров. — Оддийгина бир мисол, ўғит, ёнилғи-мойлаш материаллари даламизнинг бошигача етказиб берилмоқда. Шунингдек, сувнинг даламизга олиб борилиши, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашдаги амалга оширилаётган ишлар самарали фаолиятимизда муҳим аҳамият касб этаётир. Яқинда Президентимиз томонидан қабул қилинган Фармон ушбу эътиборнинг ёрқин кўриниши бўлди. Фермерларда бугунги ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини тўғри англаш, ишни замонавий илм-фан ютуқлари ва агротехника асосларида ташкил этишга интилиш кучайиб боряпти. Янги ташкил этилаётган кенгаш фермерликни янада ривожлантириш, фермер хўжаликларининг иқтисодий ва молиявий мустақиллигини таъминлашда муҳим ишларни амалга оширади.

Вилоят Фермерлар кенгашининг ташкилий конференциясида кенгаш аъзолари ва устави тасдиқланди. Тошкент вилояти Фермерлар кенгаши раиси этиб Оҳангарон туманидаги "Асл-Абдуғани ота" фермер хўжалиги раҳбари Тўлқин Тўраев сайланди.

Конференцияда Тошкент вилояти ҳокими Р.Холматов сўзга чиқди.

**Аҳмаджон РИХСИБОЕВ, "Qishloq hayoti" мухбири.**

* * *

**ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ** Фермерлар кенгашининг таъсис конференциясида таъкидланганидек, янгидан ташкил этилган кенгаш қишлоқ ҳудудларида мавжуд ижтимоий ва иқтисодий муаммоларни ҳал этишда фаол иштирок этиб келаётган қишлоқ мулкдорларининг энг яқин ҳамкорига айланади. Кенгашнинг вазифалари сифатида фермер хўжаликларини замон талаблари даражасида ривожлантириш, уларнинг моддий ва молиявий базасини мустаҳкамлаш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, соҳага самарали технологияларни жорий этиш белгилангани ҳам бунинг ёрқин далилидир.

– Давлатимиз томонидан фермерлар фаолияти ҳар томонлама қўллаб-қувватланиб, барча шарт-шароитлар яратиб берилаётгани ер, сув ва моддий-техника ресурсларидан оқилона фойдаланилаётгани ҳисобига ишлаб чиқариш ҳажмлари муттасил ошиб бормоқда, – дейди Риштон туманидаги "Шох Оқ ер ҳисориси" фермер хўжалиги раҳбари Абдусаттор Темиров. – Натижада соҳада юқори самарадорлик ва рентабеллик ўсиши таъминланаётир. Фермер хўжалигимиз чорвачиликка ихтисослашган. Фармонда кўп тармоқлиликни ташкил этиш, илмни амалиётга кенг татбиқ этишга алоҳида эътибор қаратилган. Консалтинг ва кооперациянинг кенгайиши бу жараёнда бизга ниҳоятда қўл келади.

Вилоят Фермерлар кенгашининг ташкилий конференциясида кенгаш аъзолари сайланди ва устави тасдиқланди. Фарғона вилояти Фермерлар кенгаши раиси этиб Олтиариқ туманидаги "Холмуродов Умарали" фермер хўжалиги раҳбари Икромали Холмуродов сайланди.

Тадбирда Фарғона вилояти ҳокими вазифасини бажарувчи Ш.Ғаниев сўзга чиқди.

**Шодиёр ЙЎЛДОШЕВ, "Qishloq hayoti" мухбири.**

Андижон Вилояти

**Андижон шаҳридаги "Ёшлар маркази"да "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими ташаббуси билан "Тақдиримсан, мустақил Ватан!" шиори остида ёшлар фестивали бўлиб ўтди. Унда вилоятдаги олий ўқув юртлари ва касб-ҳунар коллежларининг фаол ёшлари иштирок этди.**

# ЁШЛАР ФЕСТИВАЛИ

— Тадбирдан кўзланган асосий мақсад ёшларнинг жамият ҳаётидаги фаоллигини ошириш, ташаббускор йигит-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришдан иборат, — дейди "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими раиси Ўткирбек Шукуров. — Шуниси қувончлики, бугун йигит-қизлар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида юртимизда ёш авлоднинг ўқиб-изланиши, касб-ҳунар эгаллаши учун яратиб берилаётган улкан имкониятлардан самарали фойдаланишга интилмоқда.

— Ушбу фестиваль талаба-ёшлар учун ҳақиқий байрамга айланиб кетди, — дейди Андижон давлат тиббиёт институти талабаси Ирода Парпиева. — Кўрсатилаётган бундай эътибор бизнинг она Ватанга, истиқлол ғояларига садоқатимизни оширади, янада фидойи ва фаол бўлишга ундайди.

Ёшлар анжуманида ўқиш, жамоат ва бунёдкорлик ишларида фаоллик кўрсатаётган бир гуруҳ талабалар вилоят ҳокимлигининг фахрий ёрлиғи ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Фестиваль доирасида намойиш этилган ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчилари томонидан тайёрланган "Миллий ва замонавий либослар" кўргазмаси барчада катта таассурот қолдирди.

Тадбирда Андижон вилояти ҳокими А.Усмонов иштирок этди.

**Ф.УБАЙДУЛЛАЕВ, ЎзА мухбири.**

# ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИК – ИМКОНИЯТЛАРНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРДИ

(Боши 1-саҳифада)

Ҳозиргача ўз турар-жойида тадбиркорлик билан шуғулланмоқчи бўлган фуқаро уйини яшаш жойидан чиқариши лозим ва бунинг учун ўнлаб тўсиқларга дуч келар эди. Бу ҳолатда тайёрланган ҳужжатга имзо чекиб муҳр босмайдиган ташкилот сони оз эмасди. Энди-чи? Энди, оилавий корхона иштирокчиларига мулк ҳуқуқи ёки бошқа қонуний асосда тегишли бўлган турар-жойларни яшаш учун мўлжалланмаган жойларга айлантириш талаб қилинмайди.

Оилавий корхона иштирокчилари ва ёлланма ходимлар меҳнат ҳақи, мукофот, компенсацияларни ўзлари белгилайди. Лекин у энг кам иш ҳақидан оз бўлмаслиги лозим.

Солиқ тўлаш соҳасида ҳам бир қатор енгилликлар яратилган бўлиб, бунда оилавий корхона қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ягона солиқ тўлайди. Корхона фойдаси солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан кейин унинг иштирокчилари тасарруфига ўтади ҳамда унга солиқ солинмайди. Иккинчидан, оилавий корхона ўзи ишлаб чиқарган халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъати буюмларини реализация қилишдан олинган тушумдан ягона солиқ тўловини тўламаслиги қонун ҳужжатларида белгиланган. Оилавий корхонага юридик шахслар учун қатъий белгиланган солиқ жорий этилган.



Жамшид Норқобилов (ЎзА) олган суратлар.

Қайд этилган қонун мазмунидан келиб чиқиб ҳеч иккиланмасдан оилавий тадбиркорлик энг фойдали, қулай, имкониятлари кенг, иш юритиш усули эканлигига яна бир бор амин бўласиз. Ҳатто қонуннинг 28-моддасида оилавий корхона турар-жойдан бир вақтнинг ўзида унда истиқомат қилган ҳолда товарлар ишлаб чиқариш учун фойдаланганда электр энергияси, сув таъминоти, канализация, газ ҳақини тўлаш аҳоли учун белгиланган тарифлар бўйича амалга оширилиши қайд этилган. Шунингдек, электр ва газ таъминоти корхоналари зарур коммуникация тармоқларининг оилавий корхона фаолияти амалга оширилаётган жойгача етказилиши ҳамда уланиши ҳам аҳоли учун белгиланган шартлар асосида таъминланади.

Имтиёзларга эга бўлган айрим сут ва гўшт маҳсулотлари етиштираётган корхоналарни, бозорларни арзон озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида иш олиб бораётган кичик корхоналарни оила аъзолари бошқармоқдаларки, улар ҳам белгиланган солиқларнинг 50 фоизидан озод қилинган. Фойданинг қолган қисми корхонани ривожлантириш билан бирга ушбу оилаларнинг яшаш, турмуш шароитларини янада фаровонлаштириш учун сарфланмоқда. Рўйхатдан ўтган барча турдаги ҳунармандлар пенсия жамғармаси тўловидан ташқари солиқлардан тўлиқ озод.

Оилавий корхона ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотни ишлаб чиқарилган жойда нақд пулда ёки нақд пулсиз ҳисоб-китоб бўйича реализация қилишига рухсат берилган. Бу соҳада иш юритиш кичик тадбиркорлик субъектлари учун назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

Қабул қилинган қонун келгусида оилавий тадбиркорлик корхоналари жорий қилинган солиқ имтиёзлари ва преференциялар асосида тадбиркорликнинг энг ривожланган турига айланишига шубҳа йўқ.

**Қурбон ЭГАМБЕРДИЕВ**

Қорақалпоғистон Республикаси

# ДЕҲҚОНЛАРГА УЗЛУКСИЗ СУВ ТАЪМИНОТИ

**Сўнгги йилларда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, мелиорация-ирригация ишларига берилаётган эътибор қишлоқ хўжалиги экинларидан олинадиган ҳосилдорликнинг йилдан-йилга кўтарилишига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Ушбу ишларнинг амалга оширилиши натижасида жорий йилда Оролбўйи фермерлари миллий бойлигимиз бўлган пахта ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинларидан юқори ҳосил олишга эришишди.**

Қуйи Амударё ирригация тизимлари ҳавза бошқармасига қарашли ирригация тизимлари томонидан туманлараро ҳамда хўжаликлараро коллекторларни қуриш, мелиоратив объектларни реконструкциялаш, таъмирлаш ва тиклаш борасида кенг қамровли ишлар бажарилмоқда. Айниқса, Президентимизнинг 2007 йил 29 октябрдаги "Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ижросини таъминлаш борасида барча туманларда белгиланган режа асосида иш олиб борилмоқда.

Суғориладиган ерларни узлуксиз сув билан таъминлашда Қорақалпоғистон насос станциялари, энергетика ва алоқа бошқармаси жамоаси ҳам астойдил меҳнат қилмоқда. Бошқарма Манғит, Назархан, Суенли, Қаттагар, Бозатав, Қизкеткен, Кегейли, Қувончжарма ирригация тизимлари орқали Амударё, Хўжайли, Шуманай, Қонликўл, Қўнғирот, Мўйноқ, Нукус, Кегейли, Чимбой, Қораўзак, Тахтакўпир туманларининг экин майдонларини сув билан таъминлайди.

— Жорий йилнинг ўтган 9 ойи мобайнида 11 та туманнинг экин майдонларига 1699651 минг метр куб сув чиқариб берилди, — дейди Қорақалпоғистон насос станциялари, энергетика ва алоқа бошқармаси раҳбари Мамбет Айтеков. — Бу ишларда бошқармага қарашли 219 та насос станцияси хизмат кўрсатиб келмоқда. Электр энергиясидан ва ёнилғи маҳсулотларидан тежамли фойдаланиш мақсадида чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Барча насос станциялари "Қорақалпоғистон ҳудудий электр тармоқлари корхонаси" очиқ акциядорлик жамиятининг марказлашган тизимига уланиб, электр энергияни ҳисоблашни назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизим ўрнатилди.



*Навбатчи электрик Азат Абдирасулиев, энергетика бўлими бошлиғи Жумабой Муратов, навбатчи электрик Максим Раниовлар.*

Бугунги кунда бошқармада жами 1563 нафар ишчи-ходимлар меҳнат қилиб келмоқда. Раҳбарият ва касаба уюшма қўмитаси томонидан уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, моддий ва маънавий рағбатлантиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Тахиатош шаҳар ҳокимининг қарори асосида 47 нафар ишчига турар-жойлар ажратилиб, ҳашар йўли билан қурилиш ишлари олиб борилмоқда. Бугунги кунгача 6 та турар-жой фойдаланишга топширилди. Бошқарма касаба уюшма қўмитаси томонидан 6 нафар ходим дам олиш ва даволаниш масканларига, 21 нафар ходимларнинг фарзандлари дам олиш оромгоҳларига юборилди.

Насос станциялари атрофини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш борасида ҳам катта ишлар олиб борилмоқда. Жорий йилда 2100 туп мевали ва манзарали дарахтлар, 21 гектар майдонга сабзавот-полиз экинлари экилди. Чорвачилик ва паррандачиликни ривожлантириш бўйича 70 бош қўй-эчки, 200 бош товуқлар боқилмоқда. Келгусида ишчи-ходимларни арзон нархларда сабзавот, полиз ва гўшт маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида ёрдамчи хўжалик ташкил этилмоқда.

Бошқармада узоқ йиллик тажрибага эга ишчи-ходимлар кўпчиликни ташкил этади. Улардан электромонтёр Утеғул Бобоев мана шу соҳада 34 йилдан буён меҳнат қилиб келаётган бўлса, навбатчи машинист Қўчқор Жанабаевнинг ишлаётганига чорак асрдан ошди. Бундан ташқари, Нукус-Кегейли бўлимидан Давлатмурат Алламбергенов, автотранспорт бўлимидан Ражаб Отажонов, Давлатбой Ешановлар ҳамкасбларига ўрнак бўлиб келмоқда. Бошқармада ёш мутахассисларни қўллаб-қувватлашга ҳам алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Жорий йилнинг ўзида олий ўқув юртлари ва касб-ҳунар коллежларини битириб келган 85 нафар мутахассис ишга қабул қилинди.

— 2012-2013 йилларнинг кузги-қишки суғориш мавсумида насос станцияларининг барқарор ишлашини таъминлаш мақсадида иш режа ишлаб чиқилди, — дейди бошқарма ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи Одилбек Уразимбетов. — 135 дона насос агрегатларини жорий йилда ҳам туб таъмирлаш режалаштирилган бўлиб, бугунги кунда 99 та насос агрегати сифатли таъмирланди. Бу ишларда 15 нафар ишчи қатнашмоқда. Керакли эҳтиёт қисмлар ўз вақтида етказиб берилиб, таъмирлаш ишларида қатнашаётган ишчиларга етарли шароитлар яратиб берилган.

**Давуд АБИБУЛЛАЕВ, "Qishloq hayoti" мухбири.**

